

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАЖМЕТДИНОВА ДИЛФУЗА ФАРХАТОВНА**

**МУДДАТДАН ЎТГАН ҲОМИЛАДОРЛИКДА ТУҒРУКНИ  
ТАШХИСЛАШ ВА ОЛИБ БОРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Нажметдинова Дилфуза Фархатовна**

Муддатдан ўтган ҳомиладорликда туғрукни ташхислаш ва олиб боришнинг замонавий жихатлари ..... 3

**Нажметдинова Дилфуза Фархатовна**

Современные аспекты диагностики и тактики ведения родов при переносной беременности ..... 23

**Najmetdinova Dilfuza Farxatovna**

Modern aspects of diagnostics and tactics of conducting labor during overdetermined pregnancy ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**НАЖМЕТДИНОВА ДИЛФУЗА ФАРХАТОВНА**

**МУДДАТДАН ЎТГАН ҲОМИЛАДОРЛИКДА ТУҒРУКНИ  
ТАШХИСЛАШ ВА ОЛИБ БОРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Tib10 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Негматуллаева Мастура Нуруллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Каримова Деля Фахрутдиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Пахомова Жанна Евгеньевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Самарканд Тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223 уй. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: +99871 - 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А. В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Э. А. Шамансурова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда муддатидан ўтган ҳомиладорлик замонавий тиббиётнинг ечими топилмаган муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Ҳомиладорликнинг муддатидан ўтиб кетиш муаммоси акушер-гинекологлар ва неонатологларда илмий ва амалий қизиқишга сабаб бўлиб, унинг учраш частотаси 1,4-16 % атрофида бўлиб, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра эса, ўртача 8-10% ни ташкил этади ва сўнгги йилларда бу кўрсаткичлар пасайиши кузатилмаяпти. Ҳомиладорлик муддатидан ўтиб кетиш ҳолатларининг ташҳисоти ва терапияси масалалари, шунингдек, ушбу патологияда туғруқнинг оптимал бошқарилиши ўта долзарб бўлиб ҳисобланади. Перинатал ўлим ҳолатларининг юқори кўрсаткичлари ва ушбу патология профилактикасининг ишончли услубларининг мавжуд эмаслиги тадқиқотчи-олимлар эътиборини тортишда давом этмоқда.

Жаҳон миқёсида ҳомиладорликнинг муддатидан ўтиб кетиши этиопатогенетик мезонларини ўрганиш, прогностик мезонларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда, мавжуд ташхислаш услублари мудом етарли эмас, қўшимча тадқиқот услубларига катта эҳтиёж туғилди. Шу шароитларни инобатга олиб, турли патологик ҳолатларда биологик суюқликларнинг физик хоссаларини ўрганиш истиқболли бўлиб ҳисобланди. Бугунги кунда биологик суюқликларнинг қаттиқ даврини баҳолаш услублари клиник тиббиётда кенг қўлланилмоқда, бу ҳолат қўллаш осонлиги, юқори сезувчанлик ва ахборотга бой эканлиги билан боғлиқ. Ҳомиладорликнинг муддатдан ўтиб кетишида қон зардобининг структура-оптик хоссаларини туғруқ фаолиятинининг табиатини прогностлаш мақсадида ўрганиш мавжуд клиник услублар билан бир қаторда индивидуал равишда энг маъқул туғдириш жараёнининг услубини танлаш имконини беради.

Ҳозирги кунда республикамызда она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қўрилмоқда, ҳамда уларда кузатиладиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида “...оила саломатлигини мустакамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга юқори малакали ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимининг камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш”<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, оналар ва гудаклар ўлимига олиб келадиган акушерлик амалиётидаги муддатидан ўтиб кетиш сабабларини, хавф омилларини аниқлаш ва оптимал туғруқ тактикасини ишлаб чиқишга қаратилган инновацион технологияларни ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тугрисидаги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистонда 2016–2020 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2650-сон, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ – 3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот иши республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Энг аввало, муаммонинг муҳимлиги ҳомиладорлик муддатидан ўтиб кетиши ҳомилага ноҳуш таъсири ва туғруқ жараёнининг оғир кечиши билан белгиланади, бу ҳолатлар перинатал ўлим кўрсаткичлари ошишига олиб келади. Alehander J. M. (2011й), Fok W. Y., Chan L. Y. (2016й) маълумотларига кўра, перинатал ўлим структурасида муддатидан ўтган ҳомиладорлик етакчи ўринни тутаяди. Ҳомиладорлик муддатидан ўтиб кетиши туғруқ жараёнида кўпсонли асоратларнинг сабаби бўлади: туғдиришда жарроҳлик чораларини қўллаш, перинатал ўлим ҳолатининг юқорилиги, бу вазиятлар муаммонинг муҳим илмий амалий қизиқиш касб этиши билан тушунтирилади. Патологик акушерлик соҳасида бугунга қадар ҳал этилмаган масалалар мавжуд, айниқса, ҳомиладорликнинг ушбу патологиясида жарроҳлик амалиёти учун оптимал вақтни танлашда акушерлар орасида қарама-қарши фикрлар мавжуд (Cunningham F. G., Mac Donald P. C., 2015).

Ушбу патологиянинг кўплаб масалалари ҳануз ҳал этилмаган. Барча акушерлар ҳомиладорлик муддатидан ўтиб кетишини олдини олиш заруриятини таъкидламоқдалар, бироқ уларнинг миқдори юқори кўрсаткичда сақланиб қолмоқда (Стрижаков А. Н., Игнатко И. В. 2016; Федерова М. В. 2013; Румянцева В. П., 2012). Бу каби катта фарқлар ҳомиладорлик муддатидан ўтишининг бошланғич нуқтаси ва ҳомиладорликнинг асл давомийлигини аниқлаш мушкуллиги ҳақидаги ягона фикрнинг мавжуд эмаслиги билан тушунтирилади. Бугунги кунгача ҳомиладорлик муддатидан ўтиб кетиши тушунчасининг аниқ теграси ҳам мавжуд эмас, бу патологиянинг этиологияси, патогенези, ташхисоти масалалари тугал ўрганилмаган, ҳомиладорлик ва туғруқни назорат қилиш тактикасининг ягона нуқтаи назари мавжуд эмас (Каюпова Л. С., 2008; Заманова Л. Э., 2009).

Ҳомиладор аёлнинг туғруққа тайёрлигини ўз вақтида аниқлаш учун клиник ташхислашнинг ривожланаётган йўналишларидан бири моддалар алмашинуви ўзгариши ва бошқа патологик жараёнларда динамик ўзгарадиган мураккаб кўп компонентли тизим бўлмиш – биологик суюқликларнинг структураланиши

жараёнларини ўрганишдан иборат. Қон зардобининг структура-оптик хоссалари молекулалар структуралари, молекулалар орасидаги алоқага боғлиқ бўлади ва гуморал тизимлардаги физик-кимёвий ўзгаришларни ўзида акс эттиради (Тишкова О. Г. 2014; Краевой, С. А. 2013; Шатохина, С. Н.2009). Ҳомиладорларнинг қон зардоблари фасцияларининг тизимли тузилмасига боғлиқ равишда аёллар организмининг туғруққа тайёрлигини прогнозлаш мумкин.

Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқот маълумотларининг таҳлилига кўра, фертил ёшдаги аёллар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда, давлат томонидан уларни соғломлаштириш бўйича шароитлар яратиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бироқ шу билан бирга маълумотлар туғруқ жараёнига тайёргарликнинг патологик кечишини ташхисловчи муҳим прогностик тестлар мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда, бу туғруқ якуни ташхисотининг замонавий услубларини етарлича қўлланмаётганлигига ишора қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти 01.2018PhD.005 рақамли илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Оналик ва болалик мухофазаси» лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** муддатидан ўтган ҳомиладорликда туғруқнинг бошланиши, кечиши, ҳамда ўз вақтида туғруқ индукцияси самарадорлигини баҳолашда қон зардоби таркибий оптик хусусиятларининг қийматини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

ҳомиладорликнинг муддатидан ўтиб кетиши ва етилган ҳомиладорликда қон зардобларининг структуравий-оптик хоссалари кўрсаткичларининг хусусиятларини аниқлаш;

ҳомиладорлик муддатларидан ўтиб кетаётган аёлларда гормонал фон, оксиллар ва уларнинг фракциялари миқдори, ва қонда липид спектрининг ҳолатларини аниқлаш;

ҳомиладор аёлларнинг қон зардоблари морфоструктураси кўрсаткич-ларини аниқлаш услубларининг сезувчанлиги ва ўзига хослигини намоён қилиш;

ҳомиладорлик муддатидан ўтиб кетишида туғруқ индукциясининг замонавий усулларининг самарадорлигини баҳолаш;

ҳомиладорлиги муддатидан ўтган ва туғруқ индукцияси тамойиллари бўйича ҳомиладор аёлларни кузатиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** 200 нафар ҳомиладор аёлдан иборат бўлиб, бундан етилган муддатдаги 50 нафар ҳомиладор аёл назорат гуруҳини, муддати узайган 75 нафар ҳомиладор аёллар (2 гуруҳ) ва муддатидан ўтган 75 нафар ҳомиладор аёлдан (3 гуруҳ) ташкил этди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ҳомиладор аёллар қон зардоби структуравий-оптик хоссалари кўрсаткичларининг хусусиятларини, гормонал, оксиллар, липид спектрининг ҳолатларини аниқлаш тадқиқотлари учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқотни бажариш давомида умумий клиник-лаборатор, гормонал, функционал (ультратовуш), биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳомиладорлар қон зардобида радикал симметрик суратга эга булган, мувофиқ морфологик турдаги фасциялар аниқланиши орқали, бир неча кун аввал спонтан туғруқ фаолиятининг бошланишини прогноз қилиш имкони аниқланган. Бошқа морфологик турларда спонтан туғруқ фаолиятини прогноз қилишнинг имкони мавжуд эмаслиги исботланган.

муддатидан ўтган ҳомиладорликда қон зардобида апоВ оксили ошиши фонида апоА оксили пасайишининг фетоплацентар тизим томирлари атерогенезига таъсири аниқланган;

бачадон бўйни етилганлиги босқичига қон зардобининг структуравий-оптик хоссалари корреляцион боғлиқлик асосида илк бора муддатидан ўтган ҳомиладорликда туғруқ бошланиши ва туғруқ кечиши табиатини прогноз қилиш имконини берган;

бачадон бўйни етилганлик даражаси ва қон зардобининг структуравий-оптик хоссаларига асосланган ҳолда туғруқнинг ижобий якунига эришиш мақсадида туғдиришнинг рационал услуби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёлларда туғруққа тайёргарлик даврининг характерини, унинг патологик кечишини ўз вақтида ташхислашда қон зардобни кристаллизациясини аниқлашнинг оддий ва мақбул усули жорий қилинган;

ҳомиладорларда организмнинг туғруққа тайёргарлигини баҳолаш учун оксил алмашинуви ва ёғ спектрининг прогностик кўрсаткичлари тавсия этилган;

тадқиқот натижалари асосида ташхислаш ва даволаш комплекс чора тадбирлари ишлаб чиқилган;

муддатдан ўтган ҳомиладорликда замонавий туғруқ индукцияси қўлланилиш самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда кўрилган муаммоларни ҳал этиш объектив, клиник, биокимёвий, ультратовуш, статистик текшириш усуллари маълумотлари асосида тасдиқланади; тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган илмий нашрларда чоп этилгани натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти перинатал патологияга сабаб бўлмайдиган муддати узайган ҳомиладорлик ва муддатидан ўтган ҳомиладорликнинг дифференциал ташхиси мезонлари ҳақидаги янги маълумотлар келтирилишига асосланган, муддатидан ўтган ҳомиладорликда чақалоқлар хавф гуруҳига киритилади ва ўта синчков назорат остида бўлишади. Муддати ўтган ҳомиладор аёллар бачадон бўйни етилганлик даражаси ва қон

зардобининг структуравий-оптик хоссалари орасида ўзаро корреляцион алоқа ва уларнинг ташҳисдаги аҳамияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ўтказилган тадқиқот натижасида муддатидан ўтган ҳомиладорларда туғруқни бошқаришга қаратилган тадбирлар тизими ишлаб чиқилди ва амалий соғлиқни сақлаш соҳасига жорий этиш учун таклиф этилди. Бу эса оналар ва болалар ҳаёт давомийлигини ошириш, жамиятга келтириладиган ижтимоий ва иқтисодий зарарни камайтириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Муддатидан ўтган ҳомиладорликда туғруқни бошқариш ташҳисоти ва тактикасининг замонавий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Туғруқ фаолияти аномалиялари ва унинг коррекцияси” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 03 ноябр №8сп/192 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма туғруқ якунлари ва туғдириш услубини танлашнинг 66,6% ҳолларда юқори даражадаги тиббий ва ижтимоий самара билан таъминлайди;

“Муддатидан ўтган ҳомиладорлик” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 30 майдаги №8Н-р/132 сонли маълумотномаси). Ушбу услубий қўлланма муддатидан ўтган ва муддати узайган ҳомиладор аёлларда туғруққа тайёргарлик даврининг характерини, унинг патологик кечишини ўз вақтида ташхислаш, туғруқнинг ижобий якунига эришиш мақсадида туғдириш тактикасини танлашга имконият яратди;

“Муддатдан ўтган ҳомиладорликда туғруқни олиб бориш ва ташхислаш усуллариининг коррекция йўллариини ишлаб чиқиш” лойиҳаси танлов натижаларига кўра Ёш олимлар амалий тадқиқотлар давлат илмий-техника дастурига киритилди (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг 2016 йил 9 март ЁА-10-004 сонли маълумотномаси).

муддатидан ўтган ҳомиладорларни кузатиш ва туғруқ индукцияси тамойиллари бўйича ишлаб чиқилган схемани қўллашда олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизими, жумладан, Бухоро шаҳри шаҳар туғруқ комплекси, Бухоро шаҳар шифохонаси туғруқ бўлими клиник амалиётига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 22 августдаги 8н-г/49 сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши муддатидан ўтган ҳомиладорларда туғруқни прогнозлаш ва туғруқни бошқариш бўйича ташхис ва тактика сифатининг яхшиланиши, табиий бошланган туғруқлар миқдорининг ошиши, она ва ҳомиланинг туғруқ шикасти частотасининг ўртача 27,7% кўрсаткичга пасайишига ёрдам берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертацияда баён этилган асосий ҳолатлар юзасидан илмий- амалий анжуманда, жумладан, мазкур тадқиқот натижалари, 1 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 бетни ташкил этади

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Муддатидан ўтган ҳомиладорлик ҳақидаги замонавий тасаввурлар”** биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, муддатидан ўтган ҳомиладорликнинг патогенези, ташхиси ва ҳомиладорларни назорат қилиш тактикаси тўғрисидаги замонавий адабиётлар таҳлили ўтказилган. Адабиётлар шарҳида турли патологик ҳолатларда биологик суюқликларнинг физик хоссаларини ўрганишнинг замонавий босқичи акс эттирилган. Адабиётлар шарҳи беш кичик боблардан иборат.

Диссертациянинг **“Муддатидан ўтган ҳомиладорлик ўзига хослигининг услубий таҳлили”** номли иккинчи бобида ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ 200 нафар ҳомиладорларнинг комплекс текширув маълумотлари келтирилган, шундан назорат гуруҳи (1) 50 (25,0%) нафар муддати етилган ҳомиладорлар, 75 (37,5%) нафар муддати узайган ҳомиладорлар (2 гуруҳ) ва 75 (37,5%) нафар муддати ўтган ҳомиладорлар (3 гуруҳ) иборат бўлди. Ҳомиладорлик ва туғруқнинг перинатал яқунларини аниқлаш учун қуйидагилар ўрганилди: акушер-гинекологик ва соматик анамнез, сўнгги ҳомиладорлик кечишининг ўзига хосликлари, ҳомила ҳолатини кузатиш маълумотлари, ҳомилани ўраб турган сув табиати, чақалоқнинг туғилиш ва эрта неонатал даврдаги ҳолати.

Ҳомиладорлигининг муддати ўтган аксарият аёллар фаол репродуктив даврда 18-37 ёш оралиғида бўлганлар (ўртача ёш  $24,5 \pm 1,2$ ). Ҳомиладор ва туққан аёлларнинг аксарияти ёши 19-25 ёшда бўлганлар: 14 (28,0%) нафари назорат гуруҳидан, 20 (26,7%) – 2 гуруҳдан, 12 (16,0%) – 3 гуруҳдан.

**Тадқиқотнинг махсус услублари.** Туғруққача стационарда бўлган барча ҳомиладор аёлларда клиник-лаборатор тадқиқотлар ўтказилди. Гормонал фон аниқланди: “HUMAN” (Германия) фирмаси реактивларини қўллаш орқали иммунофермент услуб ёрдамида эстрадиол ва прогестерон даражаси, қон зардобининг оптик зичлиги аниқланди.

Умумий холестерин (ХС), транспорт шакллардаги холестерин миқдори аниқланди: “Autohumolizer F1” (“Human”, Германия) автоматлашган биокимёвий комбайнида махсус реактивлар тўплами ёрдамида холестериннинг липопротеидларда паст (ХС ЛППЗ) ва юқори зичлиги (ХС ЛПЮЗ), триглицеридлар миқдори аниқланди. Олинган маълумотлар асосида атерогенлик коэффиценти (АК) ҳисобланди.

Қон зардобининг оптик зичлиги Шабалин В.Н. ва Шатохина С.Н. томонидан 1990 йилда таклиф этилган услуб ёрдамида аниқланди. Келиб тушган барча ҳомиладорларда бир маротаба ёки динамикада кўриш зарурияти бўлганда ҳомиладор организмнинг туғруққа тайёрлигини баҳолаш учун қон структуравий-оптик хоссалари дегидратация услуби орқали аниқланди.

Бачадон бўйни етилганлик даражаси Бишоп Е.Х. шкаласи бўйича баҳоланди. Ҳомиланинг биофизик профилини баҳолаш учун ҳомиланинг юрак фаолияти (ХЮФ), ҳомиланинг нафас ҳаракатлари (ХНХ), ҳомиланинг ҳаракатчанлик фаоллиги (ХХФ), йўлдошнинг етилганлик даражаси (ЙЕД) аниқланди (Grannum P., 1979 таснифига кўра).

Тадқиқот давомида олинган натижаларга Pentium-IV персонал компютерида Microsoft Office Excel-2012 дастури ёрдамида статистик ишлов берилди, статистик ишловнинг махсус тайёрланган функцияларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **“Ҳомиладорликнинг муддатдан ўтишини эрта ташхислаш имкониятлари”** учинчи бобда комплекс текширувлар маълумотлари келтирилган. Биз томонимиздан ҳомиладорларнинг қон зардобларида структуравий-оптик хоссалари учала гуруҳда тадқиқотнинг туғруқ фаолиятини башоратлашдаги аҳамияти аниқланган, биринчи гуруҳда – бир маротаба, 2 ва 3 гуруҳларда 2-3 марталик мониторинг ўтказилди.

Ҳомиладорлиги етилган 50 нафар ҳомиладорлардан иборат биринчи гуруҳда 39-40 ҳафтасида клинсимон дегидратация услуби ёрдамида қон зардобининг структуравий-оптик хоссаларини бир маротаба аниқланишида фасциянинг морфологик кўриниши тузилма структурасининг ўртамиёна даражаси ва радикал-симметрик суратдан иборат эканлиги намоён бўлди (1-расм). Бачадон бўйнининг етилганлик даражасини бимануал йўл билан баҳолашда ушбу гуруҳ ҳомиладорларида Бишоп шкаласи бўйича баҳо ўртача  $\geq 9$  баллга тенг бўлди. Ушбу гуруҳ ҳомиладорларида туғруқ фаолияти 39-40 ҳафтада тўсатдан бошланди, туғруқ меъёра, табиий йўл билан туғруқ фаолиятининг ижобий динамикасида ўтди.


2 гуруҳда 75 нафар аёлдан 20 нафарида (26,7%) гестациянинг 41 ҳафтасига келиб, қон зардобининг оптик зичлигини текширишда фасциянинг морфологик тури структуравий бирлашувининг ўта паст даражасида бўлди, радикал-симметрик сурат кузатилмади (2-расм).

Гестация муддатининг ошиб бораётганига қарамай, туғруқ фаолияти бирдан рўй бермади, бу вазиятларда простагландинлар орқали туғруқни чақириш ҳал этилди. 55 нафар (73,3%) ҳомиладорларда структуравий қурилма ва радикал-симметрик суратнинг ўртамиёна даражаси аниқланди, текширувдан ва

коррекцияловчи метаболик терапиядан (хофитол эритмаси 2,5-5,0 мл) 2-3 кундан сўнг, тўсатдан туғруқ фаолияти бошланди ва ижобий динамика кузатилиб, она ва ҳомила учун туғруқ ижобий яқунланди.



**1-расм. Структуравий қурилманинг радикал-симметрик сурати (ўртамиёна даражаси)**



**2-расм. Радикал-симметрик суратнинг мавжуд эмаслиги (структуравий қурилманинг паст даражаси)**

Тадқиқотдан олинган натижаларни таҳлил қилаётиб, биз ҳомиладор аёлнинг қон зардобининг структуравий қурилмаси ва бўлажак туғруқ фаолияти орасида боғлиқлик мавжудлигини аниқладик. Ҳомиладорлар қон зардобиде радикал-симметрик суратга эга бўлган, мувофиқ морфологик турдаги фасциялар аниқланиши орқали, бир неча кун аввал спонтан туғруқ фаолиятининг бошланишини башорат қилиш имкони аниқланди. Бошқа морфологик турларда спонтан туғруқ фаолиятини прогноз қилишнинг имкони мавжуд эмас.

Шу тариқа, қон зардобини клинсимон дегидратация услуги билан тахминий туғруқдан 3-5 кун аввал тадқиқот қилишда ҳомиладор аёлда структуравий бирлашувнинг ўртамиёна даражаси ва фасциялар радикал-симметрик сурати аниқланади, бу билан бўлажак туғруқда яхши туғруқ фаолиятини ва унинг спонтан бошланиши башоратлаш аҳамиятли эканлиги эътиборни тортади. Структуравий бирлашувнинг паст даражаси ва фасцияларнинг радикал-симметрик суратининг мавжуд эмаслиги гестациянинг 42 ҳафтасидан ошган даврида туғруқ фаолиятининг ривожланишида ўзгаришларни прогнозлаши мумкин ва бу туғдириш тактикаси танлашни талаб этади.

Ҳомиладорлиги етилган аёллар қон зардобиде эстрадиол миқдорини ўрганиш давомида кўрсаткич  $348,8 \pm 18,0$  пг/мл га тенг эканлиги аниқланди (1 жадвал). Ҳомиладорлиги узайган аёлларда эстрадиол миқдори статистик равишда ҳомиладорлиги етилган аёллар кўрсаткичларига нисбатан 1,66 мартага пасайган ( $P < 0,001$ ). Ҳомиладорлик муддатидан ўтган аёлларда бу кўрсаткич статистик равишда ҳомиладорлиги узайган аёлларга нисбатан 1,84 мартага пасайган ( $P < 0,001$ ) ва ҳомиладорлиги етилган аёллар кўрсаткичларига нисбатан 3,05 мартага пасайган ( $P < 0,001$ ).

**Текширилаётган гуруҳлар ҳомиладор аёлларининг қон зардобиди  
эстрадиол ва прогестерон миқдори, (m±m), n=200**

Кўрсаткичлар	Ҳомиладорлик		
	етилган, n=50	узайган, n=75	муддатидан ўтган, n=75
Эстрадиол, пг/мл	350,4±3,08	210,1±4,5***	114,2±7,7***^^^
min – max	314 – 385	196 – 224	65 – 162
Прогестерон, мг/мл	7,1±0,13	18,1±0,48***	24,5±0,54***^^^
min – max	5,7 – 8,5	11,0 – 25,3	16,5 – 31,9

Эслатма: \* - етилган ҳомиладор аёллар гуруҳларининг маълумотларига нисбатан фарқланиш (\*\*\*) - P<0,001), ^ - ҳомиладорлиги узайган аёллар гуруҳлари маълумотлари нисбатан фарқланиш (^^^ - P<0,001)

Ҳомиладорлиги узайган ва муддатидан ўтган аёлларда ушбу кўрсаткич статистик равишда ҳомиладорлиги етилган аёлларга нисбатан 2,55 мартага (P<0,001) ва 3,45 (P<0,001) мартага сезиларли ўсган. Бунда, ҳомиладорлиги етилган аёлларда прогестерон даражаси ҳомиладорлиги узайган аёллар кўрсаткичларига нисбатан 1,35 мартага статистик сезиларли ошган (P<0,001).

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, етилган ҳомиладорликда прогестерон:эстрадиол муносиблиги 0,020±0,031 га тенг бўлди, узайган ҳомиладорликда эса 0,086±0,485 га тенг бўлди, бу эса етилган ҳомиладор аёллар кўрсаткичларига нисбатан 4,3 мартага (P<0,001) юқори бўлган; муддатидан ўтган ҳомиладорликда - 0,215±0,176 га тенг бўлди. Ушбу кўрсаткич ҳомиладорлиги етилган ва узайган аёллардаги миқдорий белгиларга нисбатан, мос равишда, 10,75 (P<0,001) ва 2,50 (P<0,001) мартага ортиқ бўлган.

Муддатидан ўтган ҳомиладорликда етилган ҳомиладорликка нисбатан бемор аёллар қон зардобиди ПЛ миқдорининг мос равишда, 330,8 дан 240,3 га ишончли пасайиши ҳомиладорлик муддатининг узайиши йўлдош гормонал функциясининг бузилишига олиб келишига ишора қиляпти.

Ҳомиладорлиги узайган аёлларнинг қон зардобиди ТГ миқдори 1,61±0,06 ммоль/л гача ошган, муддатидан ўтган ҳомиладорликда эса 1,68±0,07 ммоль/л гача ошган, ушбу кўрсаткичнинг етилган ҳомиладорликда 1,37±0,06 ммоль/л га тенг бўлди. Келтирилган маълумотлардан кўриб турибмизки, узайган ҳомиладорликда триглицеридлар даражасида ошиш тенденцияси бўлса, муддати ўтиб кетган ҳомиладорликда кўрсаткич 1,23 (P<0,01) мартага сезиларли ошиши кузатилади.

Умумий холестерин даражаси ва ЛПЎПЗ таркибидаги холестерин даражаси ошиши аниқланган бўлса, ЛППЗ холестерин статистик 1,3 (P<0,05) мартага ўсган. ЛПЮЗ холестерин етилган ҳомиладор аёллар сонларига нисбатан статистик 1,36 (P<0,05) мартага пасайган. Муддати ўтган ҳомиладорликда аёллар умумий холестерини, ЛПЎПЗ ва ЛППЗ холестерин миқдори етилган ҳомиладор аёллар кўрсаткичларига нисбатан кўп фарқланмади. Фақатгина ЛПЮЗ холестерин миқдори 1,63 (P<0,01) мартага

статистик пасайган. Ҳомиладорлик муддати узайган ва ўтган аёлларда АК кўрсаткичи мос равишда, статистик  $4,93 \pm 0,08$  дан  $5,47 \pm 0,08$  гача ва  $5,41 \pm 0,18$  гача ошган. Бу кўрсаткичлар меъерий ўлчамлардан, мос равишда, муддати узайган ва ўтган ҳомиладорликда 1,11 ( $P < 0,001$ ) и 1,10 ( $P < 0,05$ ) мартага ошиб кетган.

Муддати узайган ҳомиладорликда аёллар қон зардобида альбуминлар миқдори етилган ҳомиладор аёллар кўрсаткичларига нисбатан статистик аҳамиятли равишда 1,26 мартага ( $P < 0,001$ ) пасайган.

## Жадвал 2

### Текширувдаги ҳомиладор аёлларнинг қон зардобида турли синф оксилларининг миқдори, $M \pm m$ (n=200)

Кўрсаткичлар	Ҳомиладорлик		
	етилган, n=50	узайган, n=75	муддатидан ўтган, n=75
Альбуминлар, г/л, Min – max	$39,3 \pm 0,64$	$31,1 \pm 0,51^{***}$	$32,9 \pm 0,71^{***\wedge}$
	31,8 – 46,6	23,6 – 38,6	23,2 – 42,7
АпоА оксиллар, min – max	$66,5 \pm 0,70$	$48,6 \pm 0,48^{***}$	$46,5 \pm 1,16^{***}$
	58,6 – 73,9	41,6 – 55,6	30,6 – 62,7
АпоВ оксиллар, min – max	$42,7 \pm 0,43$	$36,7 \pm 0,37^{***}$	$64,0 \pm 1,20^{***\wedge\wedge}$
	37,1 – 48,8	31,4 – 42,1	46,0 – 82,3

Эслатма: \* - етилган ҳомиладор аёллар гуруҳларининг маълумотларига нисбатан фарқланиш (\*\*\*) -  $P < 0,001$ , ^ - ҳомиладорлиги узайган аёллар гуруҳлари маълумотлари нисбатан фарқланиш (^^^ $P < 0,05$ , -  $P < 0,001$ )

Худди шундай ўзгаришлар муддатидан ўтган ҳомиладор аёлларда ҳам аниқланди. Бироқ вариацион қаторнинг катта фарқига кўра, улар статистик аҳамиятсиз белгиларга эга бўлдилар ва узайган ҳомиладорлик кўрсаткичларидан деярли фарқланмадилар.

Қон зардобида АпоА оксили миқдорининг тадқиқоти етилган ҳомиладор аёллар сонларига нисбатан статистик аҳамиятли 1,37 мартага ( $P < 0,001$ ) пасайишни кўрсатди. Ушбу оксилнинг янада пастроқ миқдори муддати ўтган ҳомиладор аёлларда кузатилди (1,43 мартага,  $P < 0,001$ ). Бироқ узайган ва муддатидан ўтган ҳомиладор аёллар кўрсаткичлари орасидаги фарқлар бўлмади. Ҳомиладорлик узайган аёллар қони зардобида апоВ оксили концентрацияси пасайиш тенденциясига эга бўлди, муддати ўтган ҳомиладорликда эса унинг миқдори узайган ва муддатидан ўтган ҳомиладорликка нисбатан 1,50 ( $P < 0,001$ ) ва 1,16 ( $P < 0,001$ ) мартага ошганининг гувоҳи бўлдик.

Йўлдошнинг жойлашган ўрнининг таҳлилига кўра, муддатидан ўтган ҳомиладор аёлларнинг 25 (33,3%) вазиятида йўлдош бачадон тубида жойлашган. 12 (16,0%) нафарида бачадон тубида чап томонида, 8 нафарида (10,7%) тубида ўнг томонида, қолган 30 (40,0%) нафар аёлларда бачадоннинг олд деворида жойлашгани аниқланди. Назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар 12 (24,0%) ва 38 (76,0%) аёлларда бачадон бўшлиғининг орқа деворида яхши жойлашганини кўрсатди. Йўлдошнинг жойлашган ўрнини таҳлил қилишда муддати узайган ҳомиладор аёллар гуруҳида назорат гуруҳи билан қиёсда катта фарқ кузатилмади.

Асосий гуруҳда бачадон бўйнининг етилмаганлик ҳолати 55 (73,3%) нафар аёлда ва фақатгина йўлдош бачадон тубида жойлашганидагина кузатилди. 20 нафар (26,7%) аёлнинг бачадон бўйни етилаётган деб тан олинди, 0 (0%) ҳолатда – етилган. Муддати узайган ҳомиладорлар гуруҳида бачадон бўйни 12 (16,0%) аёлда етилмаган, 25 (33,3%) аёлда – етилаётган ва 38 (50,7%) – етилган деб ҳисобланди.


Ҳомиланинг биофизик профилини урганишда биз томонимиздан муддатидан ўтган ҳомиладорликда ҳомиланинг сезиларли ўзгаришлари аниқланди.

Муддати узайган ҳомиладорларда бачадоннинг етилаётган бўйни 25 (33,3%) аёлда, “етилган” - 38 (50,7%), “етилмаган” – фақат 12 (16,0%) аёлда аниқланди. Муддати ўтган ҳомиладорликда бачадон бўйни етилмаганлик ҳолати 55 (73,3%) аёлда, етилган – 20 (26,7%) аёлда кузатилди, ва етилганлик ҳолати умуман кузатилмади. Бачадон бўйни “етилган” аёлларда 8% ида орқага оған, “етилаётган” ида 59% да, “етилмаган” бачадон бўйни бўлган тадқиқотдаги барча аёлларда эса орқага оған эди. Бачадон бўйни кичик тоснинг ўқи бўйича жойлашуви частотаси ”етилган” аёлларнинг 94%ида, “етарли етилмаган” – 28% ида, бачадон бўйни “етилмаган” ҳомиладорларда эса тос ўқи бўйича жойлашмаган эди. Бачадон бўйни консистенцияси бўйича, “зич” бачадон бўйни “етилган” бачадон бўйни бўлган аёлларнинг бирортасида ҳам кузатилмади, бунда “етилаётган” ва “етилмаган” бачадон бўйни бўлган аёлларда “зич” бачадон бўйни мос равишда, 18% ва 78% аёлда кузатилган.


Муддати ўтиб кетаётган ҳомиладорларда бимануал курганда бачадон бўйни узунлиги 6-25 мм орасида бўлди. “Етилган” бачадон бўйни бўлган аёлларда, бимануал аниқланган бачадон бўйни ўртача узунлиги  $10,8 \pm 0,3$  мм ни ташкил этди, “етарлича етилмаган” аёлларда эса  $16,5 \pm 0,6$  ни, “етилмаган” бачадон бўйни аёлларида  $18,7 \pm 0,24$  мм ни ташкил этди. Ҳомиланинг олд қисми кичик тосга кириш ҳолатини аниқлашда маълум бўлишича, муддати ўтган ҳомиладор аёлларнинг 100 %ида ҳомила кичик тосга қисилиб кириб келгани аниқланган.

Тадқиқотда иштирок этган 200 нафар ҳомиладор аёлнинг қон зардобларининг структуравий-оптик хоссаларини баҳолаш таҳлилида биз томонимиздан шу маълум бўлдики, 1 гуруҳда структура бирлашувининг ўртамиёна даражаси 50 (100,0%) нафар ҳомиладорда кузатилди, структуравий бирлашувнинг паст даражаси кузатилмади. 2 гуруҳда 55 (73,3%) нафар аёлларда структуравий бирлашувнинг ўртамиёна даражаси кузатилди, 20 (26,6%) нафар ҳомиладорда эса паст даражада бўлди, 3 гуруҳда – муддати ўтган ҳомиладор аёлларнинг 50 (66,7%) нафарида структуравий бирлашувнинг паст даражаси, 25 (33,3%) нафарида эса структуравий бирлашувнинг паст даражаси кузатилди.

Қон зардоби фасцияларининг тизимли қурилмасига боғлиқ равишда ҳомиладор аёллар уч гуруҳга ажратилдилар. Биринчи гуруҳга 99 (49,5%) нафар ҳомиладор киритилди, уларда фасцияларнинг морфологик кўриниши структуравий қурилмаси, радиал-симметрик суратнинг ўртамиёна даражаси кузатилди (3-расм). Улардан 76 (76,8%) нафарида бачадон бўйни етилган эди, 23 (23,2%) нафарида етилаётган эди. Иккинчи гуруҳга 64 (32,0%) ҳомиладор аёл киритилди, уларда фасцияларнинг морфологик тури структуравий бирлашувининг паст даражаси билан намоён бўлди ва радиал-симметрик сурат кузатилмади (4 расм).



**3-расм. Радиал-симметрик сурат**



**4-расм. Радиал-симметрик суратнинг мавжудмаслиги (структуравий бирлашувнинг паст даражаси)**



**5-расм. Радиал-симметрик суратнинг мавжудмаслиги (структуравий бирлашувнинг ўта паст даражаси)**

Улардан 30 (49,6%) нафари етилмаган, 30 (46,9%) нафарида етиляётган ва 4 (6,3%) нафарида бачадон бўйни етилган бўлди. 3 гуруҳ 37 (18,5%) ҳомиладор аёлдан иборат бўлди, уларнинг барида структуравий бирлашувнинг ўта паст даражаси (100,0%) кузатилди (5-расм). Биз томонимиздан тўпланган натижалар шуни тасдиқладики, бачадон бўйни етилганлик даражаси ва қон зардобининг структуравий-оптик хоссалари ҳолати орасида тўғридан тўғри корреляцион алоқа мавжуд ( $r=0,859$ ). Шундай қилиб, бачадон бўйни етилмаган барча 67 нафар ҳомиладорда (100,0%) структуравий бирлашувнинг паст даражаси аниқланган.

Санаб ўтилган мезонлар муддатидан ўтаётган ҳомиладорликни ташхислашнинг қўшимча мезонлари сифатида биз томонимиздан таклиф этиляётган клинсимон дегидратация услуги орқали қон зардобининг структуравий-оптик хоссаларини ва унинг структуравий бирлашуви даражасини аниқлаш услубининг муҳимлигини асослаш учун келтирилган. Тестнинг сезувчанлиги 90,0% ни ташкил этиб, ўзига хослиги 70,0%, аниқлиги 95,0 % дан иборат.

Диссертациянинг “Муддатидан ўтган ҳомиладорликда оптимал туғдириш тактикасини танлаш” тўртинчи боби таклиф этилган туғдиришга тайёргарлик услубининг ва муддатидан ўтган ҳомиладорликда акушерлик тактикасини танлаш самарадорлигини баҳолашга бағишланган. Биз томонимиздан муддати узайган ҳомиладорликда туғдиришнинг қайси услуги қўлланилишига қараб, туғруқнинг клиник кечиши, туғруқдан кейинги давр ва чақалоқнинг ҳолати кузатилди. Ҳомиладор аёллар кичик гуруҳларга ажратилди: 38 (50,7%) нафар аёлда туғруқ фаолияти спонтан бошланди (1 кичик гуруҳ); бунда спонтан туғруқ бошланишида туғруқ салбий динамикада мураккаблашди, бунда 16 (21,3%) аёлга окситоцин билан туғруқ индукцияси ўтказилган эди (2 кичик гуруҳ). 29 (38,7%) нафар аёлга туғруқ фаолияти туғруқ индукцияси простагландинлар орқали, 8 (10,6%) нафар аёлда мифепристон билан амалга оширилди (3 кичик гуруҳ). 1 кичик гуруҳ 18% аёллари ва 2 кичик гуруҳининг 16,3% аёллари туғруқларида қоғоноқ сувларининг вақтидан олдин кетиши, кучаниқларнинг сустлиги фақат бир аёлда кузатилди, бу 3,3% ни ташкил этди. Муддати узайган ҳомиладорликда индукцияланган туғруқларнинг давомийлиги

етилган ҳомиладорликка хос ўртача муддатларидан бирмунча камроқ бўлди, 1 ва 2 кичик гуруҳларда эса деярли фарқланмади. Туғруқ вақтида юзага келган асоратларни таҳлил қилишда, аксарияти 1 ва 2 кичик гуруҳларда аниқланди, 3 кичик гуруҳда нисбатан кам учраган. Шу тариқа, йўлдош кўчишининг бузилиши мос равишда 3,3%, 4,3% , 0% вазиятларда учради. 2 кичик гуруҳда биргина вазиятда тўлғоқ вақтида ҳомила дистресси рўй берди. Шу билан бирга, биз томонимиздан шу аниқландики, 3 кичик гуруҳда 29 нафар ҳомиладор аёлдан 4 нафариди (5,3%) УТТ асосида ҳомила гипоксияси ташхисланди.

Жарроҳлик амалиёти услублари 7 (9,3%) нафар аёлда қўлланилди. Чиқарув акушерлик қисқичларини қўллаш 2 кичик гуруҳнинг 1 нафар аёлда амалга оширилди, ҳомиланинг ўткир гипоксияси туфайли 3 кичик гуруҳнинг - 4 нафар аёлида ва туғруқ фаолиятининг дисскоординацияси туфайли 2 аёлида туғруқ жарроҳлик йўли билан яқунланди. 4 ҳолатда кесарча кесиш амалиёти режа асосида, 2 ҳолатда эса шошилиш тартибда ўтказилди. Чақалокларнинг Апгар шкаласи бўйича ҳолатини баҳолаш ўртача кўрсаткичлари туғруқни бошқариш услубларига боғлиқ равишда кичик гуруҳларда бир-биридан фарқланмади ( $7,84 \pm 0,3$ ,  $7,85 \pm 0,24$ ,  $7,75 \pm 0,23$ ). Беллентайн-Рунге бўйича муддатидан ўтиш аломатлари кузатилмади. Чақалокларнинг ўртача вазни  $3500,0 \pm 250,0$  г ни ташкил этди.

Кузатувимиз остида муддатидан ўтган 75 нафар аёл бўлди. Тадқиқотимизга қуйидаги мезонлар бўйича киритилди: ҳомиладорлик муддати 42-43 ҳафта, ҳомиланинг боши билан келиши, бачадон бўйни ҳолати Бишоп индекси бўйича 0-4 балл, шошилиш тартибда туғдиришга кўрсатмалар йўқлиги.

